

Буюк ва бебахо неъмат – мустикалликнинг миллий тараккиётимиз, бугунги

ва

келгуси

авлодлар

такдири

,

келажаги

учун

бекиёс

ахамияти

йиллар

ўтиши

билан

тобора

ортиб

бормоқда

.

Ўзбекистоннинг

давлат

мустикаллиги

халкимизнинг

миллий

манфаатларини

,

тинч

ва

осуда

хаётини

таъминлаш

,

мамлакатимизнинг

халқаро

микёсдаги

обру

-
эътиборини
юксалтиришнинг
мустахкам
пойдевори
бўлиб
келмоқда
.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг “Ўзбекистон Республикаси давлат мустакиллигининг йигирма олти йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида” ги қароридан.

Тарихий 1991 йилнинг 31 августи куни мустакилликимиз эълон қилинди. Ватанимиз ва халкимиз ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқини қўлга киритди. Ўтган 26 йил мобайнида дунё харитасидан Ўзбекистон Республикаси деган янги мустакил давлат муносиб ўрин эгаллади.

Ўзбекистон Республикаси суверен давлат сифатида жаҳон ҳамжамиятидан ўзининг муносиб ўрнини эгаллади. Бозор иқтисодиётига асосланган демократик тузум барпо қилишга киришилди. Бунинг учун сиёсий, иқтисодий ва маънавий жихатдан туб ислохотлар амалга оширилди.

Мамлакат ва халқ олдида ривожланган давлатлар сафидан муносиб ўрин олиш вазифаси қўйилди. Ана шу тарихан қисқа бир даврда жуда катта ва мураккаб, шу билан бирга, шарафли йўл босиб ўтилди. Мустакиллик Ватанимиз тарихида мутлақо янги саҳифа очди. Даврлар ўтгани сари мустакилликимиз тарихини ўрганиш, бу улуг неъматга қандай эришганимиз моҳиятига етиш, истиклолимиз қадрини чуқур англашнинг аҳамияти тобора ортиб бораверади.

Хаёт ҳеч қачон тўхтаб турмайди, у илгарилаб бораверади. Аммо шу жараёнда, тараккиётни кучайтириш мақсадида яна бир бор фикр-мулоҳаза қилиб кўрадиган, бошқача айтганда, янгиликлар пайтлари ҳам бўлади. Мамлакатимиз ҳозир шундай янги босқичга кирди. Шу йилнинг 27 июнида Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма олти йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида”ги қарори қабул қилинди.

Бу йилги байрам “**Фидойинг бўлғаймиз сени, Ўзбекистон!**” деган бош ғояни ўзида мужассам этган ташкилий-амалий, маънавий-маърифий тадбирлар ҳамда тарғибот-ташвиқот ишлари дастури асосида нишонланади. Қарорда ушбу Дастурни 2017 – 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Харажатлар стратегияси ҳамда “Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили” Давлат дастурининг маъно-мазмунидан келиб чиққан ҳолда тайёрлаш белгиланган.

Хўш, ана шу бешта устувор йўналиш айнан нималардан иборат?

Бу ерда уларни санаб ўтишни ўринли деб ҳисоблаймиз:

Биринчи йўналиш. Давлат ва жамият қурилишини такомиллаштириш.

Иккинчи йўналиш. Қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш.

Учинчи йўналиш. Иқтисодий янада ривожлантириш ва либераллаштириш.

Тўртинчи йўналиш. Ижтимоий соҳани ривожлантириш.

Бешинчи йўналиш. Хавфсизлик, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлаш, чуқур ўйланган, ўзаро манфаатли ва амалий руҳдаги ташкилотчиликни юритиш.

Мустакиллик тарихини айнан мазкур йўналишларда нималар килинганини ўрганиш бўйича ёритиш ҳам мумкин. Ана шунда масала янада ойдинлашади. Яъни бу борада кўлга киритилган ютуқларни аниқлаш амалда бундан буён килиниши зарур бўлган ишларни белгилаб беришга ҳам хизмат килади.

Хўш, мустакилликнинг 26 йиллигига бағишланган дастурни “Халк билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили” Давлат дастури маъно-мазмунидан келиб чиққан ҳолда тайёрлаш деганда нима тушунилади? Бу саволга жавоб бериш учун гапни бир оз узокроқдан бошлашга тўғри келади.

2016 йилнинг 25 сентябридан Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг интернет тармоғида электрон қабулхона ташкил этилди.

Халк билан мулоқот сиёсати амалда шу кундан бошланди. Ўтган йилнинг 4 декабри куни демократик тамойиллар асосида халқ Ўзбекистон Республикаси Президентини сайлади. Ўз-ўзидан, мамлакатимиз тарихида янги бир босқич бошланди.

Ўтган йилнинг 7 декабри куни Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул килинганининг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги “Конун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови” деб номланган маърузасида 2017 йил мамлакатимизда

“Халк билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили”
деб номланди.

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлис палаталарининг Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришиш тантанали маросимига бағишланган кўшма мажлисидаги нутқи матбуотда **“Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини мард ва олижаноб халқимиз билан бирга курашимиз”** деган сарлав-ха билан босилди.

Келтирилган ана шу ҳаракатлар ўртасида изчил мантикий боғлиқлик бор. Улар замирида халқ ва давлат бирлиги кўзда тутилган.

“Давлат”, “мамлакат”, “ҳукумат”, “ҳокимият”, “жамият”, “халқ”, “миллат”, “халқ ҳокимияти” тушунчалари бор. Бир карашда, ҳаммаси – содда, ҳаммаси – тушунарли. Ростини айтганда, гоҳида кўплар

“мамлакат”

билан

“давлат”

ни,

“давлат”

билан

“ҳукумат”

ни,

“ҳукумат”

билан
“хокимият”

ни,
“жамият”

билан
“халк”

ни,
“халк”

билан
“миллат”

ни,
“халк”

билан
“халк хокимияти”

ни бир-бири билан адаштиради.

Демократик тузумда буларнинг хар бири – алохида-алохида тушунча.

Айтайлик, давлат билан ҳукуматни обдон фарклаб олмай туриб, давлат ва жамият вазифалари ўртасидаги тафовутни ҳам аниқлаштириб олиш – мушкул. Чунки демократик тузумда давлат вазифалари билан жамият вазифалари ўзаро катъий чегараланади, яъни вазифалар ўзаро таксимлаб олинади. Шўро давлати жамиятнинг барча вазифаларини ўз бўйнига олган, шунинг учун тузумда жамиятнинг ўрни ҳам, ундаги фуқаронинг фаоллиги ҳам чеклаб ташланган эди. О

дамларимиз тасаввурида мавжуд давлат ҳақидаги эски карашлар ҳамон тараккиётимизга ҳалал бериб келаётгани ҳам – рост. Холбуки, ҳаётнинг бир қисм муаммосини давлат, колган кўп масаласини жамият ҳал қилиб кетавериши лозим. Ҳозирги кунда Ўзбекистон Республикаси Президенти виртуал қабулхонаси ҳам фаолият юритяпти. Барча идора ва ташкилотлар, маҳаллий хоқимиятларнинг шундай қабулхоналари ташкил этилди.

Халк билан мулоқот ҳаётдаги муаммоларни ойдинлаштиради. Одамлар ҳамма масала ечимини давлатдан кутавермайди. Аммо шундай нарсалар борки, уни фақат ва фақат давлат идоралари амалга оширади ёхуд халк бундай муаммони давлат билан биргаликдагина ечади.

Оммавий ахборот воситалари халк билан мулоқотнинг синалган, катта кучга эга, тайёр механизми ҳисобланади. Эндиликда оммавий ахборот воситаларини халкнинг зиёлилари учун чинакам минбарга айлантирилиши вақти етди. Ахир, зиёлилар халкнинг локомотивлари ҳисобланади-ку. Шунинг учун образли қилиб, яъни рамзий маънода “тўрт инчи хоқимият”

дейилади.

Масаланинг бундан ҳам муҳим бир жихати бор. Бу давлат ҳокимият идоралари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини кучайтириши билан боғлиқ. “Адолат – конун устуворлигида”, – деган ҳаётий тамойилга катъий амал қилишга шу йўл билан эришилади.

Мамлакатимизда шу тарика давлат ва халқ ўртасидаги чамбарчас боғлиқликни кучайтириш даври бошланди. Мустақилликнинг 26 йиллигини нишонлашга бағишланган ташкилий-амалий, маънавий-маърифий тадбирлар ҳамда тарғибот-ташвиқот ишлари дастурида, жумладан, **“Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга курашимиз”** деган тамойилга асосан мамлакатимизни модернизация қилиш, демократик ислохотларни чуқурлаштириш, парламент ва сиёсий партияларнинг ролини, давлат бошқаруви тизимининг сифати ва самарасини янада ошириш, фуқаролик жамияти институтлари ҳамда оммавий ахборот воситалари ролини кучайтириш орқали давлат ва жамият қурилишини такомиллаштиришга қаратилган кенг кўламли ишларни атрофлича ёритиш кўрсатилган. Бу борада мамлакатимиз ўтган йиллар мобайнида тамоман ўзига хос тарихий йўлни босиб ўтди.

Бу ишларни ким амалга оширади? Албатта, давлатимиз раҳнамолигида мард ва олижаноб халқимиз. Бундан буён ҳам тараккиётимиз айнан ана шу давлат ва халқнинг жипс-лигига таянади. Бусиз ҳеч бир мамлакат ўз олдига қўйган эзгу мақсадларга эришган эмас. Яна бир тамойил юқоридагиси билан чамбарчас боғланиб кетади. Бу – **“Халқ давлат идораларига эмас, балки давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак”** , деган тамойил.

Ўтган 26 йил мобайнида халқимиз ўз миллий давлатини қурди. Давлат қуриш эса халқ ва мамлакат тарихида жуда мураккаб ҳамда ўта муҳим босқич ҳисобланади. Ҳусусан, қарийб бир ярим аср мобайнида мустамлака исқанжасида яшашга мажбур этилган халқ учун бу қанчалар оғир кечилини бир кўз олдимизга келтирайлик.

Биринчидан, халқ сиёсий жихатдан ҳуқуқларидан тамоман маҳрум қилиб ташланди. У ҳамма масалада собиқ марказдан сўраш, унинг қошу қовоғига қараб иш қўришга мажбур

этилди.

Иккинчидан, иктисодий жихатдан республикаимиз бир ёклама ривожланган, асосан, пахта хомашёси етказиб беришга мослаштирилган, пахта яккахокимлиги халокатли тус олган бир ўлкага айланиб колган эди. Чунки иктисодиётнинг “олтин” коидаси шуки, ҳеч қачон хомашё сотган бой бўлмайди. Ўзбекистонимизда ўша йиллари етиштирилган 5 миллион тоннадан ортик пахтанинг атиги 8 – 10 фоизигина ўзимизда қайта ишланган, колган қисми олиб кетилган ва асосий фойда тайёр хомашёни қайта ишлаган бегона ҳудудларга келиб тушган.

Вазиятни тўла-тўқис кўз олдимишга келтириш учун 1990 йил 4 июнида Ислом Каримов томонидан қайд этиб ўтилган мана бу маълумотларга диққат қилайлик: “...Республика барча асосий иктисодий ва ижтимоий кўрсаткичлар бўйича иттифокдаги ўртача даражадан ҳам анча орқада бўлиб, мамлакатда охириги ўринлардан бирида турибди....Хар киши бошига ялпи ижтимоий маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича мамлакатда 12-ўринда турибди, аҳоли жон бошига миллий даромад ишлаб чиқариш бўйича кўрсаткич эса – иттифокдаги ўртача даражадан икки ҳисса паст.

Саноатдаги меҳнат унумдорлиги жихатидан республика мамлакатдан 40 фоиз, кишлок хўжалигидаги меҳнат унумдорлиги жихатидан эса икки баробар орқада қолмоқда. Республикада аҳоли жон бошига халқ истеъмолчи моллари ишлаб чиқариш ўртача иттифок даражасининг атиги 40 фоизини ташкил этади. Биз даромад даражаси, асосий турдаги маҳсулотларни истеъмол қилиш жихатидан иттифокдош республикалар орасида энг охириги ўринлардан бирида турибмиз.

Ўзбекистон аҳолиси ўрта ҳисобда гўшт маҳсулотларини, сут ва сут маҳсулотларини, тухумни, умуман, мамлакат аҳолисига нисбатан икки баробар кам истеъмол қилмоқда. Ойига ўрта ҳисобда 75 сўмдан камроқ ялпи даромад оладиган аҳолининг улуши мамлакатда 12 фоиздан сал кўпроқ бўлса, бизнинг республикаимизда 45 фоизга боради. Бир миллионга яқин киши ижтимоий ишлаб чиқаришда ўзининг қўлидан келадиган ишни топа олмапти”.

Учинчидан, халқнинг миллий маънавиятига болта урилди. Холбуки, ҳар бир халқ ўз тарихий илдишларига суянган холда раванқ топади.

Мустакиллик йилларида бу тўла-тўқис тасдигини топди. Хакикат киёсда билинади, деган гап бор.

Мустакилликдан олдинги 1990 йили юртимиз аҳолисининг асосий озик-овкат товарлари, аввало дон, картошка, гўшт, сут ва кандолат махсулотларига бўлган эҳтиёжи импорт хисобидан копланган.

Хозирги вақтда эса бундай товарларнинг қарийб ҳаммаси мамлакатимизнинг ўзида ишлаб чиқариляпти.

Ёки эндиликда фермер хўжаликлари қишлоқ хўжалиги махсулотларининг 90 – 92 фоизини етказиб бериш билан бирга, қишлоқ тараккиётида ҳал қилувчи ижтимоий-сиёсий ҳаракатга ва етакчи қучга айланиб бораётир.

Мустакилликка қадар юртимизда умуман мавжуд бўлмаган, бугунги кунда эса жамиятимизнинг қудратли таянчига айланиб бораётган ўрта синф – **мулкдорлар синфи жадал ривожланыпти. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ялпи ички махсулотдаги улуши йил сайин ортиб борапти.**

Бу ишларнинг бари аҳоли фаровонлигини таъминлашга қаратилган. Шу тариқа мамлакатимизда озик-овкат ҳавфсизлигини таъминлашнинг мустаҳкам пойдевори яратилди.

Юртимиз илгариги қолоқ, иқтисодийети бирёқлама ривожланган, пахта яққаҳоқимлиги ҳалоқатли даражада авж олган аграр ўлкадан бугунги кунда изчил тараккий этиб бораётган **замонавий индустриал мамлакатга айланди.** Бугунги кунда иқтисодийетимизда етакчи ўринни эгаллаб келаётган нефть ва газ қимёси, нефть-газ машинасозлиги, автомобилсозлик, замонавий қурилиш материаллари саноати, темир йўл машинасозлиги, маиший электроника, фармацевтика, юқори технологияларга асосланган озик-овкат ва тўқимачилик саноати қаби соҳа ва тармоқлар жадал ривожланмоқда.

Бизда бу ютуқлар билан чекланиб қолинаётгани йўқ. Хали-бери давом этаётган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг салбий таъсирларига қарамасдан, **мамлакатимизнинг иқтисодий жихатдан қатъият билан илгарилаб боришига асос бўлаётган аниқ мезон ва омиллар мавжуд.**

Бундай ютуқларнинг адоги йўқ.

Хўш, бу муваффақиятларга нималар эвазига эришдик?

Аввало, оқилона олиб қорилган сиёсат туфайли Ўзбекистонимиз саноати тез суръатлар билан ўсиб, иқтисодий қудрати ва салоҳияти юқсалиб бораётган давлатга айланди.

Киска фурсат мобайнида мамлакатимизда давлат ва нодавлат ташкилотлари томонидан халк билан очик ва самарали мулоқот олиб бориш тизими йўлга қўйилди. Бунинг натижасида фуқароларнинг кўплаб муурожаат ва муаммолари қонуний ҳал этила бошлади.

Давлатнинг халкка бундай қайишиши натижасида одамларнинг руҳиятида катта ўзгариш юз берди. Фуқароларнинг ижтимоий фаоллиги ортди, сиёсий хабардорлик даражаси кўтарилди. Энг муҳими, жамиятда тадбиркорлик муҳити жонлантириб юборилди. Ишбилармонларга давлат томонидан қулай имқониятлар яратиб берилляпти. Бир пайтлар тадбиркор қредит сўраб банқларга ялиниб борган бўлса, энди банқларнинг ўзи тадбиркорларга қредитлар таклиф қилляпти. Буларнинг бари мамлакатда ишлаб чиқариш ва хизматларнинг мисли қўрилмаган турлари, кўплаб янги иш жойлари юзага қелишига асос бўляпти.

Қарорда ҳам қайд этилганидек,

буларнинг барининг замирида:

“Халқ

бой бўлса, давлат ҳам бой ва қудратли бўлади”

, – деган тамойил ётибди.

Халқ онг-тафакқури, дунёқарашининг ўзгаргани – мустақиллик йилларида эришган энг катта бойлигимиз.

Бундан буён ҳам: **“Маънавият – энг таъсирчан ва қудратли қуролимиз”**, – деган гоё шиоримиз бўлади.

Башарият тарихи шундан гувоҳлик берадики, ҳеч бир мамлакат ўзи ёлғиз ҳолда тараккий этган эмас. Чунки мураккаб дунёнинг қўпдан-қўп муаммолари айнан ҳамқорликда, дўстона тарзда ҳал этилади. Шу жихатдан қараганда, Ўзбекистонимизда ҳавфсизлик, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлаш, чуқур ўйланган, ўзаро манфаатли ва амалий руҳдаги ташқи сиёсат юритиш орқали давлатимиз мустақиллиги ва суверенитетини мустаҳкамлаш,

қўшниларимиз билан рақобат қилиш эмас, балки ҳамқорлик қилиш, минтақамиздаги муаммоларни биргаликда ҳал этиш

тамойилига қатъий амал қилинади.

Ўзбекистон Марқазий Осиёда ақолиси жихатидан энг катта мамлакат. Чунки минтақадаги жами 65 миллион атрофида ақоли яшаса, унинг тенг ярми мамлакатимизда истиқомат қилади. Бундан ташқари, халқимиз жаҳон тамаддуни тараккиётига улқан ҳисса қўшган бой маънавий меросга эга.

Мамлакатимизнинг бугунги иқтисодий, илмий, маънавий-маърифий салохияти ҳам – жуда катта. Мустақиллик йилларида жаҳон майдонида эришган ютуқларимиз бизни қурраи заминга яна ҳам танитди. Амалда халқимиз қимларнинг авлоди эканини, нималарга қодирлигини намоён этди. Дунё бизга ҳурмат қўрсатишга, биз билан яқиндан ҳамқорлик қилишга қиришди. Қўшниларимиз билан яқин дўстона муносабатлар эса,

биринчидан, бизнинг миллий манфаатларимизга тўла мос келади, иккинчидан, буни халқаро майдондаги обрў-эътиборимиз ҳам талаб қилади.

Ўзбекистон – ёшлар мамлақати. Биз эртанги кунимизнинг таянчи ва суянчи бўлмиш ёш авлодимизни янги, мустақил фикрлайдиган, замонавий билим ва касб-хунарларни пухта эгаллаган, шу юртнинг хақиқий эгаси, Ватанимизнинг тақдири ва келажаги учун масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир инсонлар бўлиб вояга етказишни энг муҳим ишларимиздан деб билдик. Айтиш шундай ёшларни, айтиш мумкинки, ҳал қилувчи куч сифатида тайёрлашни ўзимизнинг устувор вазифамиз деб кун тартибига қўйганимизнинг вақт ўтиши билан нақадар узокни кўзлаган тарихий қадам бўлгани тобора аён бўлмоқда.

“Қамолот” ёшлар ижтимоий ҳаракатининг ўтган ҳафтада бўлиб ўтган қурултойида Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи ташкил этилгани, унинг вазифалари белгилаб берилгани, ёшлар ташкилотига талай имтиёзлар жорий этилгани, 30 июнь мамлакатимизда “Ёшлар қуни” деб эълон қилинган ҳам бизда бу масала давлат сиёсатининг энг устувор йўналишларидан бири эканини кўрсатади. Мустақиллик йилларида она юртимиз, унинг барча минтақалари, шаҳар ва қишлоқларимизнинг қиройи тобора очилиб, гўзал қиёфа касб этди. Бу эса шу заминда яшаётган инсонларнинг қайфияти, бугунги ҳаётдан розилигини, эртанги кунга ишончини орттиришга хизмат қилиб, ватандошларимизни янги марралар сари руҳлантирмоқда.

Истиклол йилларида Ўзбекистонда уч буюқ йўл қурилди. Биринчиси – Фарғона водийсини Тошкент вилояти ва шу орқали мамлакатнинг бошқа минтақалари билан боғлайдиган Қамчиқ довони. 1998 йили бошланиб, қиска

муддатларда, яъни 2000 йили фойдаланишга топширилган бу улкан йўл қурилиши – мамлакатимиз учун стратегик аҳамиятга эга. Шу тариқа мамлакатимиз орқали автомобиль йўли билан Хитойгача бориш учун зўр имконият очилди. Фарғона водийсидаги уч вилоятимизда мамлакатимизнинг қарийб 10 миллион кишидан иборат аҳолиси яшайди. Эскидан мавжуд Қамчиқ довонининг илон изи йўлларида қишлоқ маҳаллари қишлоқнинг мутлақо иложи йўқ эди. Ёз пайт-лари ҳам бу тор йўлдан транспортнинг бугунги талаблар даражасидаги катта оқими учун ҳеч қандай имкон бўлмаган. Тожикистон орқали ўтган катта магистраль йўл билан қишлоқга эса, узок масофани айланишга тўғри келар, бир мамлакат ичида қўшни минтақага иккинчи бир давлат ҳудуди орқали қишлоқ ҳар тарафлама қимматга тушар эди.

Шу маънода, давлат ҳудудий яхлитлигини таъминлаш борасида Ўзбекистон мустақиллик

йилларида бунёд этган энг буюк курилиш – **Камчик довони** бўлди, деб баралла айта оламиз. Бу узокни кўзлаб амалга оширилган, мухим стратегик ахамиятга эга буюк иншоот хисобланади. Коялар кесилиб, йўл кенгайтирилди, баланд тоғлар устида жойлашган магистраль пастрокдан ўтказилди, бири 1.100 ва иккинчиси 500 метр бўлган туннель казилди.

Ёш, энди кадини ростлаб олаётган бир миллий давлат учун бу накадар катта ютук эканини бугун барча тушуниб етмоқда.

Ўтган йилнинг июнь ойида Камчик довони бўйлаб замонавий темир йўл хам ишга туширилди.

Шу тарика мамлакатнинг шарки коммуникатив жихатдан мустахкамланди. Юртимизнинг шимолида жойлашган икки минтакамиз – Коракалпогистон Республикаси билан Хоразм вилояти хам маълум даражада узилиб колган эди. Чунки у ёкка борадиган темир йўл Туркманистон худудидан ўтар, Бухоро вилоятидан чикканидан кейин кўшни давлат чўллари узра нак бир кун юрар эди. Аввало, вақтдан ютказилар, колаверса, хар бир вагон худудидан ўтгани учун кўшни давлатга каттагина бож тўланар эди.

2001 йилнинг охирига келиб умумий узунлиги 633 километрни ташкил киладиган

Навий – Учкудук – Султонувайстог – Нукус темир йўли

ишга туширилди.

Авалло, масофадан ютдик, йўлга кетадиган вақт 6 соатга кискариди. Бундан ташкари, шу янги йўл ёкалаб хаёт жонланди. Кашкадарё билан Сурхондарё вилоятлари – ўзаро кўшни. Бирок Каршидан Термизга бориш учун поезд аввал Кашкадарё вилоятидан Туркманистон худудига ўтиб, у ерда соатлаб юриши ва кейин Сурхондарё вилоятига кириб келиши керак эди. 2007 йилнинг августида жами 223 километрни ташкил этган

Тошгузар – Бойсун – Кумкўргон йўли

ишга туширилди.

Шу тарика жануб хам мамлакатнинг бошка худудлари билан махкам боғланди.

Хозирги пайтда Тошкент – Самарканд, Тошкент – Карши, Тошкент – Бухоро йўналишларида юксак технологияли, юкори тезликда харакатланувчи “Afrosiyob”

электр-поезди катнови йўлга кўйилган.

Бу хам мамлакатимиздаги юксак тараккиётдан дарак беради. Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг

2009 йил 3 августдаги

“Кишлоқ жойларда уй-жой курилиши кўламини кенгайтиришга оид кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”

ги карори асосида мамлакатимизнинг барча кишлоқ туманларида янги уй-жой массивлари барпо этилди, намунавий лойихалар бўйича кредит шартномаси асосида якка тартибдаги уй-жойлар куриб, фойдаланишга топширилди. Бу янги

массивларимизда ахолининг яхши яшаши учун кулайликлар тугдириш ишлари жадал давом эттириляпти. Бу турар-жой массивларида ижтимоий ахамиятга молик объектлар ҳам курилмокда. Бундай уйларда яшаётган фукаролар мавжуд шароитларнинг шаҳардагидан асло қолишмаслигини таъкидлаб, шукроналик билдирмокда.

Шуни унутмаслигимиз керакки, бугун биз ўта тахликали ва калтис замонда яшаяпмиз. Ён-атрофимизда турли хавф-хатарлар кучайиб бораётган бир шароитда энг катта ва бебаҳо бойлигимиз бўлган тинчлик-осойишталикни кўз корачигидек саклашимиз зарур.

Миллатлар ва фукаролар ўртасидаги дўстлик ва хамжихатлик, ўзаро хурмат, меҳр-окибат мухитини янада мустахкамлаш, доимо хушёр ва огоҳ бўлиб, тинчлик учун курашиб яшаш бугун хал килувчи ахамиятга эга. Буни хар биримиз чукур хис этишимиз даркор. Шуни хам унутмаслигимиз керакки, бугунги тинчлик-осойишталик ўз-ўзича таъминланаётгани йўк.

Мустакилликни мустахкамлаш, уни химоя қилиш ҳеч қачон ўз долзарблигини йўқотмайди. Инсон учун она Ватанидан азизроқ макон йўк бу дунёда. Чунки Ер юзида Ўзбекистонимиз – яккаю ягона. Биз у билан хар канча фахр-ифтихор қилсак хам – кам.

Бунга унинг бой ўтмиши хам, раванк топаётган бугуни хам, порлок келажаги хам тўла асос беради.

Бизга шундай яшаш бахтини берган Истиклолимиз абадий бўлсин!